

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Mahalla

2024 ЙИЛ
7 ДЕКАБРЬ,
ШАНБА

№79
(2217)

WWW.UZMAHALLA.UZ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Қорақалпоқ йиғинлари ободликка юз тутди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари билан суҳбатлашди.



2024 йил давомида Қорақалпоғистон маҳаллаларида ислоҳотларнинг чинакам шабадаси эсди. Кўплаб маҳаллалар обод бўлди, хонадонларга файз-барака кирди. Хорижда юрган минглаб қорақалпоқ ёшлари Ватанга қайтиб, севимли ишига эга бўлди. Албатта, бу ишларнинг замирида тизим ходимларининг ҳиссаси беқиёс.

Аммо жорий йилда айрим йўналишлар бўйича фаолиятда оқсоқликлар ҳам кузатилди. Очиқ мулоқотда ходимлар билан ана шундай оғриқли нуқталар ҳақида гаплашилди. Муаммоларни тинглаб, ечими борасида мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Келгуси йилдаги режалар муҳокама қилинди. Фаолиятдаги энг катта мақсад — Қорақалпоғистон маҳаллаларини обод қилиш, одамлар ҳаёти фаровонлигига ҳисса қўшиш, уларнинг розилигини олишдир.

ЖАРАЁН

Маҳалла мададини ҳар бир оила ҳис этяпти

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлили, Давлат дастурининг ижросига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Уюшма бошқарма ва бўлим бошлиқлари, "маҳалла еттилиги" вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Қайд этилганидек, бугунги кунда ҳар бир маҳалланинг "Омбор китоби" ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш бўйича ислоҳотлар амалга оширилган. Хусусан, 9 452 та маҳаллада меҳнат ярмаркалари орқали 191 минг 366 нафар аҳолининг бандлиги таъминланган. 276 минг 652 та хонадон таъмирлаб берилган, 2 миллион 826 та хонадонда қўшимча даромад манбаи яратилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳудудларда 856 минг 193 та камбағал оилада 4 миллион нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 770,4 минг нафари ишсиз фуқаролардир. Шу кунгача 1 761 нафари жамоат ишларига жалб этилган, 16 минг 559 та оилага нафақа тайинланган, 3 599 нафар фуқарога 25,1 миллиард сўмлик субсидия ажратилган.

Шунингдек, жойларда камбағалликни қисқартириш мақсадида 4 684 нафар фуқарога 40,3 миллиард сўм атрофида кредит ажратилган. 6 645 та оилага 11,8 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилиб, 2 729 нафар фуқаронинг шифохоналарда даволаниши учун кўмак берилган.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Юқори натижа учун билим бирламчи омил

"Маҳалла еттилиги" таркибида "маҳаллабай" иш бошлаганимиздан сўнг маҳаллаларда йиллар давомида тўпланиб қолган миллиардлаб қарздорлик кескин камайди. Масалан, бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган "Офтобқўрғон" маҳалласидаги қарздорлик 260 млн. сўмга тушди".

5-с.

Ижтимоий профилактика тадбирлари тўлиқ, изчил ва самарали бажарилади

Ижтимоий мослаштириш дастури профилактика инспектори билан, унинг ўзи томонидан амалга оширилган ижтимоий мослаштириш дастури эса маҳалла раиси билан биргаликда тузиладиган қўшма хулоса асосида якунланади.

6-с.

"Илғор" тажрибаси иқтидор ва ички имкониятларни ишга солади

"Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгунга қадар ҳам аҳоли ҳозиргидек хизмат ва ёрдамлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. Лекин бу имкониятдан қандай фойдаланишни билмаган. Шунинг учун биринчи навбатда, уларнинг хабардорлигини оширишга эътибор қаратяпман".

6-с.

Mahalla 365

2024 йил 6 августда Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳаллаларда аҳоли муаммоларини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.



Маҳаллаларда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ягона саволнома асосида бирламчи ўрганилади.

Муаммолар "Рақамли маҳалла" платформасида шакллантирилади ва "еттилик"ка буюртма шаклида юборилади.



Ягона саволномани Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси алоҳида модул сифатида юритади.



Аҳоли муаммолари ягона саволнома асосида бир йилда камида бир марта ўрганилади.



"Маҳалла еттилиги" шакллантирган буюртмалар мониторинг қилинади ва "еттилик" рейтинги юритилади.



"Рақамли маҳалла" платформасидаги модулдан "маҳалла еттилиги" вакиллари бепул фойдаланади.



ОДАМЛАР РАИСГА ИШОНАДИМИ, ДЕМАК, УНГА ЭРГАШАДИ ҲАМ...



ДИҚҚАТ! ОБУНА — 2025

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий нашри — «Mahalla» газетаси ҳамда «маҳалла еттилиги» вакиллари учун ўзига хос қўлланмага айланиб улгурган «Mahalla ko'zgusi» журналига 2025 йил учун обуна бўлинг!

"MAHALLA" ГАЗЕТАСИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 148

"MAHALLA KO'ZGUSI" ЖУРНАЛИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 862

Мурожаат учун телефонлар:
+998 71 233 39 89, +998 71 233 10 92

ШОШИЛИНГ!

Маҳаллани «Mahalla»сиз тасаввур этиш қийин...



Президент ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровни таваллуд куни билан самимий қутлади.



Президент КОНСТИТУЦИЯ КУНИ муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригини йўллади.



Давлатимиз раҳбари Халқаро атом энергияси агентлиги бош директори РАФАЭЛЬ ГРОССИни қабул қилди.

ТАЖРИБА

Аҳоли яшаш шароити яхшиланди, камбағаллик қисқарди

Маҳаллада 1 минг 63 нафар аҳоли яшайди. “Драйвер” — чорвачилик. Кейинги йилларда амалга оширилган ишлар натижасида ҳудуд обод ва кўркам масканга айланди. Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ҳал этилиб, аҳоли яшаш шароити яхшиланди.

Мухтор НАВРЎЗБОЕВ, Тахтакўпир туманидаги Белтау овул фуқаролар йиғини раиси.

2022 йилда “Обод қишлоқ” дастури асосида қурилиш, таъмирлаш, кўчаларга қум-шағал аралашмаси ва асфальт қоплама ётқизиш ишлари бажарилди. Фуқаролар йиғини идораси, маданият маркази, шифокорлик пункти, мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирланди.

Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш яхшиланди. “Оржап” каналида 36 метрли пиёдалар кўприги қурилиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммо ечимини топди. Электр тармоқлари янгиланиб, трансформатор ўрнатилди. 2024 йилда 4 километр ички кўча асфальтланди. 13 километр тупроқ йўлга шағал тўкилди. 2,5 километр пиёдалар йўлакчаси қурилди. 3 та янги электр трансформатор ўрнатилди, 2 таси таъмирланди, 120 та электр устуни, 44 та тунги ёритгич чироғи ўрнатилди.

“Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори асосида 16 та ер ости сувлари учун қудуқ бурғилаш ишлари олиб борилди. Бу эса, биринчи навбатда, аҳолини, ижтимоий соҳа объектлари ва томорқа ерларини сув билан таъминлаш имконини берди.

Белтау овули ёнидаги қуриб қолган



сой қазиб кенгайтирилди. Натижада 2 минг гектар ерни кафолатли суғориш имкони яратилди. Атрофи ободонлаштирилиб, пиёдалар ва вело йўлакча қилинди.

Ҳудуддаги 20 нафар хотин-қиз тикувчилик касби бўйича ўқитилиб, тикувчилик цехига ишга кирди. Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида интенсив усулда балиқ етиштирувчи хўжалик фаолияти йўлга қўйилган. Бу ерда 20га яқин иш ўрни яратилган.

26 гектар томорқа ери бўлиб, бу борадаги ишлар кўзни қувонтиради. Шерали Йўлдошбоев хонадонидаги 8 сотих ерга помидор, бодринг, қовоқ ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилган.

Йил бошидаги хатловда 41 нафар ишсиз аниқланган эди. Уларга имтиёзли кредит ва субсидия ажратилиб, бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, 19 нафар ёшга ер берилди. Ҳозиргача 35 нафарининг бандлиги таъминланди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида қайта ўрганиш олиб борганимизда, 31 та оила рўйхатга олинди. Айни пайтда бу оилаларни камбағалликдан чиқариш чораси кўрилмоқда. Ҳозиргача 5 та оила камбағалликдан чиқарилди. Бунинг учун уларнинг оила аъзолари ишга жойланди. Йил якунигача кўрсаткични 15 тага етказамиз.

ТАЖРИБА

МАҲАЛЛА МАДАДИНИ ҲАР БИР ОИЛА ҲИС ЭТЯПТИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



“Маҳалла еттилиги”га қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида барча маҳаллаларнинг моддий-техника таъминоти хатловдан ўтказилди. Ўтган ўн бир ойда 252 та маҳаллага янги бино қурилди, 392 таси жорий, 79 таси капитал таъмирланди, 59 таси реконструкция қилинди. Айни пайтда 211 та маҳаллага янги бино қурилмоқда, 83 таси жорий, 34 таси капитал таъмирланиб, 42 таси реконструкция қилиняпти.

Матбуот анжуманида бошқарма бошлиқлари “еттилик” имкониятларидан самарали фойдаланиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, халқаро алоқаларни ривожлантиришда эришилган ютуқлар ҳамда Давлат дастури доирасида йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот беришди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ МАҲАЛЛАГА МАСЪУЛ!



Давлат бошқаруви академиясида сектор раҳбарлари иштирокида семинар ташкил этилди.

Айтиш керакки, семинар Президентимизнинг 2024 йил 18-20 ноябрь кунлари Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасида сўзлаган нутқида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, шунингдек, “2025 йил — Атроф муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ижро ҳокимияти органлари раҳбар кадрлари, туман (шаҳар) сектор раҳбарлари олдида турган вазифаларни чуқур ўрганишга қаратилган.

Семинарда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати масъуллари сектор раҳбарларига мамлакатимизда ёшлар сиёсати ва маҳалла тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот беришди. Сектор раҳбарларига мазкур йўналишларда амалга ошириладиган вазифалар батафсил тушунтирилди.

НИГОҲ

Ҳудуд ўсиш нуқтаси ҳар доим эътиборда

“Еттилик” ходимларига қулай шароит яратиб бериш мақсадида янги маҳалла бинолари қурилиб, мавжудлари таъмирланди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Мисол учун, “Богистон” маҳалласига янги бино қуриб берилди. “Деҳқонобод” ва “Ойдин” маҳаллалари учун янги бино қуриш таклифи “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида энг кўп овоз тўплади. Ҳозир қурилиш якунланмоқда. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Мирзаобод тумани бўлими ҳамда ҳомийлар ташаббуси билан 40 дан зиёд эҳтиёжманд хонадонга қуёш панели ўрнатилди.

Муҳиддин МАВЛОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Мирзаобод тумани бўлими бошлиғи.

Ҳудудда 18 та маҳалла мавжуд. Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда ҳар бирининг ўзига хос жиҳати, ўсиш нуқтаси эътиборга олинмоқда. Мисол учун, туманда Андижон вилояти тажрибаси асосида бандлик дастури ишлаб чиқилди. Жами 1 минг 911 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга киритилган бўлса, 1 минг 867 нафарининг бандлиги таъминланди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури бўйича жами 220 та камбағал оила рўйхати шакллантирилди. Уларга масъул раҳбарлар бириктирилиб, шу кунга қадар 14 та оила камбағалликдан чиқарилди. Бу жараёнда Сайхунобод, Уйчи туманлари тажрибалари бизга қўл келяпти.

Жамоатчилик бошқарувини кучайтириш, унда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида 18 та маҳалла кесимида 198 нафар жамоатчилик вакиллари, 118 нафар маънавият тарғиботчилари рўйхати шакллантирилди. 18 нафар нуроний 34 та мактабга бириктирилди.

“Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, Турғун Аҳмедов номидаги фуқаролар йиғинида маҳалла сервис компанияси ташкил этилди. Бунинг учун ер майдони ажратилиб, бино қурилиши бошланди. 12 нафар ходим ишга қабул қилинди.

Яна бир қувонарли ҳодиса — жисмоний шахслардан йиғилган мол-мулк солиғининг 10 фоизи маҳаллалар ихтиёрида қолмоқда. Жорий йил йиғилган 653 млн. 734 минг сўм маблағга 18 нафар маҳалла раисига планшет олиб берилди. Ҳудуддаги кам таъминланган фуқароларга ёрдам кўрсатиш мақсадида 242 млн. 433 минг сўм сарфланди.

“Хорижга иш — маҳалладан” тамойили бўйича миграцияга кетмоқчи бўлганлар ҳамда чет мамлакатда ишлаётганлар билан доимий алоқа ўрнатганмиз. Ҳар бир маҳаллада



телеграм гуруҳи ташкил этилган. Ҳисоб-китобга кўра, йил бошидаги хатловда 2 минг 730 нафар фуқаро рўйхатга олинганди. Уларнинг 2 минг 112 нафари оиласи бағрига қайтди. 1 минг 872 нафарининг бандлиги таъминланди. Айни пайтда хориждаги маҳалладошлар 618 нафарни ташкил этмоқда. Миграция юрган фуқаролар ва уларнинг оиласи билан суҳбатда 31 нафарининг муаммоси борлиги аниқланди. Тезкор чора кўрилиб, улар билан манзилли иш йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллалар фуқаролик жамиятининг таянч устунига, чинакам халқчил тузилмага айланмоқда.

МАНЗАРА

Тадбиркор бўлганлар кўп, бекорчилар қолмаган

“Маҳалла еттилиги” фаолиятининг йўлга қўйилгани аҳоли муаммоларини бирламчи бўғинда ҳал этиш имконини бермоқда. Ҳудудда 5 минг 687 нафар аҳоли яшайди. 2023 йилда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида иштирок этиб, 1 минг 200 км. масофадаги ички кўчаларни асфальтлаш таклифимиз ғолиб чиқди.

Ўрол БАРОТОВ, Шеробод туманидаги “Қишлоқбозор” маҳалласи раиси.

Жисмоний шахслардан ундирилган мол-мулк солиғининг 10 фоизи ихтиёримизда қолаётгани инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда қўл келмоқда. Ўтган йили 100 миллион сўм маблағ ҳисоб рақамимизда қолди. Бу маблағ эвазига кўчаларга тунги чироқлар ўрнатиб, йўл четига пиёдалар йўлакчаси қурмоқчимиз. Йил охиригача Мустақиллик ва Ёшлик кўчасини асфальтлаш режаси бор.

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда. Масалан, Зубайда Йўлдошева ишсиз бўлгани учун “Аёллар дафтари”да рўйхатда туради. Унга 40 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиши натижасида ўзини ўзи банд қилди. Ҳозирда қизларга касб сирларини ўргатиб келмоқда. Қўшимча иккита иш ўрни яратди.

Маҳалла “драйвер”и — чорвачилик ва деҳқончилик. Аҳолининг 70 фоизи хонадонида иссиқхона ташкил этган. Рўзимбой Тиллаев уйида иссиқхоначилик билан бирга қуёнчиликни йўлга қўйган. Банкдан олинган 33 миллион сўм кредит эвазига ташкил этилган иссиқхонада лимон парваришламоқда. 1,5 йил аввал 4 бош қуён билан иш бошлаганди. Бугун 250 бошдан ортди. Келажакда фаолиятини янада кенгайтириб, 500 бошга етказишни режа қилган. Бугунги кунда ҳар донасини 150 минг сўмдан сотмоқда.

2024 йилда 50 нафар талабгорга имтиёзли кредит ажратилди. Уларнинг 15 нафари иссиқхона, яна шунчаси тикувчилик йўналишида, 3 нафари қуёнчилик, 25 нафари саноат йўналишида фаолият бошлади. Эътиборлиси, бу саъй-ҳаракатлар натижасида 185 та иш ўрни яратилди. Йил охиригача яна 50 нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш имкониятига эгамиз.



Маҳаллани айланиб, бекорчи инсонга дуч келмайсиз. Айниқса, тадбиркорлик истагидаги фуқароларга “маҳалла еттилиги” яқиндан кўмак бермоқда.

Санжар Ҳусанов 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Темир дарвоза ҳамда бетон ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонага асос солди. Дастлабки босқичда 5 та янги иш ўрни яратган бўлса, бугунга келиб, 15 нафар тенгдошини иш билан таъминлади.

Уйма-уй юриб, ҳудуддаги камбағал оилалар рўйхати шакллантирилиб, зарур кўмак берилмоқда. Мисол учун, ишсиз сифатида “Аёллар дафтари”да рўйхатга олинган Феруза Мирзаева 3 нафар фарзандини ёлғиз ўзи тарбиялайди. Унинг шароити ўрганилганда, яшаш учун уйи йўқлиги аниқланди. “Маҳалла еттилиги” кўмагида 3 хонали уй қуриб берилди. Бундан ташқари, субсидия асосида тикув машинаси берилди. 5 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Англаганингиздек, маҳалладаги ислоҳотлар ҳар бир инсоннинг ҳаётини ўзгаришига сабаб бўлмоқда.



Президент Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, келгуси режалар юзасидан ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ.



Шавкат Мирзиёев атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш истиқболларига бағишланган халқаро конференция иштирокчиларига МУРОЖААТ ЙЎЛЛАДИ.



Президент Шавкат Мирзиёев АВТОМОБИЛЬ САНОАТИДА 2025 йил учун устувор вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ноила БАҲОДИРОВА.
Тўрақўрғон тумани:

— Болаликдан ногиронман. Ўзим мустақил юра олмайман. Тикувчиликка қизиққаним учун уйда бекор ўтирмайман. Маҳалла аёлларидан буюртма олиб, либослар тикиб сотаман. Яқинда ёшлар етакчиси ҳамда ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтдим. Фаолиятимни кенгайтириш учун қандай имтиёз бор?

“ФАОЛИЯТИМНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН ҚАНДАЙ ИМТИЁЗ БОР?”

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлигининг медиа маркази раҳбари:

— “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, ҳар йили 500 нафаргача ногирон ёшларга бир қатор йўналишларда субсидия ажратилиши белгиланган.

Жумладан, бу имтиёз нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунарга ўргатиш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш, ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш шунингдек, зарур ҳолларда яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун берилади.

Бундан ташқари, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўргатиш курсларини муваффақиятли тугатган ҳамда махсус сертификатни олган, шунингдек, тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганларга асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратиш назарда тутилган.

Субсидиялар юқоридаги икки йўналишдан биттаси учун ҳар бир ногиронлиги бўлган ёшнинг талабига мувофиқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача берилади.

Ушбу вазиятда сиз ўзини ўзи банд қилганингиз учун имтиёздан фойдалана оласиз.

ТАҲЛИЛ

Томорқа даромади юртдошларни хориждан қайтаряпти

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратишда ички имкониятлардан самарали фойдаланяпмиз. Масалан, маҳаллалар ўсиш нуқтасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги таъминланмоқда. “Галаба” маҳалласи ишлаб чиқаришга, “Мустақиллик”, “Дўстлик” маҳаллалари хизмат кўрсатишга, “Ержар”, “Боғбон”, “Янгидала”, “Гулзор” маҳаллалари чорвачиликка, “Ипак йўли”, “Мирзадала”, “Пахтазор”, “Ўзбекистон” ҳамда “Тошкент” маҳаллалари деҳқончилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишларига ихтисослашган. Бундан ташқари, томорқачилик қўшимча “драйвер” сифатида ривожланмоқда.



Собиржон БОЙМАТОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Мирзачўл тумани бўлими бошлиғи.

Мавжуд 661 минг 400 гектар экин майдонида сабзавот ва дуккакли экин, полиз маҳсулотлари, картошка етиштирилади. Ҳар бир хонадон эгаси томорқадан самарали фойдаланса, қўшимча даромад топиш баробарида, оила аъзоларининг бандлиги таъминланишини англаб етган.

Ўрганишларга кўра, соҳада айрим муаммолар борлиги аниқланди. Жумладан, “Янгидала”, “Дўстлик”, “Ўзбекистон” маҳаллаларидаги Гулбоғ, Янгиобод, Накурт, Хўжакент, Маданият, Сиҳатгоҳ, Қумсой, Ғазалкент, Заргар, Мингчинор, Роҳат, Қўшробот каби кўчаларга оқова сув етиб бормасди. Маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан масалага ечим топилди. Натижада томорқадан фойдаланиш самарадорлиги ортиб, юзлаб ишсизлар ўзини ўзи банд қилди.

“Сайхунобод тажрибаси” асосида 12 та маҳаллада биттадан кооперация ташкил этдик. Уларга лизинг асосида мини трактор олиб берилди. Эҳтиёжманд аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш учун 84 та хонадон танлаб олиниб, ижтимоий пакет жорий этилди. Режа асосида 51 та хонадонга 2 миллиард 112,5 млн. сўм кредит ажратилиб, 64 та хонадонга иссиқхона қуриб берилди. 77 та хонадонга 87 бош қорамол ва 2 минг бош парранда тарқатилди.



Томорқадан самарали фойдаланиш мақсадида ҳар бир маҳаллага биттадан лидер тадбиркор бириктирдик. Улар имтиёзли кредит эвазига мотокультиватор, мини трактор, уч ғилдиракли мотоцикл харид қилиб, уруғ ва кўчат, кимёвий ўғит сотишга ихтисослашган кўчма дўкон ташкил этган.

“Боғбон” маҳалласида яшовчи Валижон Алиев 5 сотих иссиқхонада помидор, бодринг етиштиради. Йилига 62,4 млн. сўм соф даромад топмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

“Уйчи тажрибаси” асосида маҳаллаларга 3 та тижорат банки бириктирилган. Шу кунгача тижорат банклари кўмагида 421 нафар фуқарога “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури” доирасида 8 миллиард 53 млн. сўм, 34 нафар фуқарога “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури” доирасида 2 миллиард 957 млн. сўм ажратилган. 588 нафари 2 миллиард 959 млн. сўм эвазига “Бизнесга биринчи қадам дастури” доирасида ўзини ўзи банд қилган. 2024 йилда 3,5 млрд. сўмлик 54 та кичик лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 227 та янги иш ўрни яратилди. Масалан, “Мустақиллик” маҳалласидаги бўш турган бинода иш бошлаган тадбиркор Зулфия Мирзаевага тикув цехини кенгайтириш учун “Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш” дастури доирасида 100 млн. сўм кредит берилди. Натижада қўшимча 8 та иш ўрни ташкил этилди. Айни вақтда 1 минг 151 та юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъекти, 799 та якка тартибдаги тадбиркор мавжуд. 5 минг 800 нафар юртдошимиз ўзини ўзи банд қилган.

Фуқароларни чет элда ишлашга тартибли ва хавфсиз жўнатиш, Ўзбекистонга қайтганларнинг бандлигини таъминлаш бўйича “Хорижга иш — маҳалладан” тамойили йўлга қўйилган. Бу йўналишда доимий ўрганиш олиб боряпмиз. “Маҳалла еттилиги”нинг ҳар бир аъзоси хориждаги маҳалладошлар билан индивидуал ишлаяпти. Махсус телеграм гуруҳи ташкил этилиб, онлайн мулоқат ўтказяпмиз. Хорижда оғир аҳволга тушиб қолган ёки кам даромад топаётганларга юртимизда яратилган имкониятлар тушунтирилмоқда. Шу ерда ҳам интилса, ҳаракат қилса, хориждагидан кам бўлмаган даромад топиш мумкинлиги амалда кўрсатилмоқда. Бунинг учун яқингача хорижда ишлаб юрган, оиласи бағрига қайтиб, юқори даромад топаётган фуқаролар тақдири мисол сифатида кўрсатилмоқда. Натижада аксарият мигрантлар маҳаллага қайтмоқда. Мисол учун, йил бошида 1 минг 711 нафар меҳнат мигранти ҳисобга олинган бўлса, апрель ойидаёқ 730 нафари қайтиб келди. Уларга “маҳалла еттилиги” зарур ижтимоий кўмак кўрсатди. Шунингдек, хорижда ишлаш истагидаги 123 нафар фуқаро рўйхати шакллантирилиб, касбий малакаси оширилди, тил ўрганиши учун ёрдам берилди.

Бугун туманнинг қай бир маҳалласига борманг, кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишига гувоҳ бўласиз. Энг муҳими, одамлар эртанги кунга ишонч билан кўтаринки кайфиятда яшамоқда.

КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

“Еттилик” кўмагида дастур ижроси қизғин

Оққўрғон туманидаги “Хонобод” маҳалласининг асосий “драйвер”и – деҳқончилик, чорвачилик. Ҳудудда камбағалликни қисқартириш, ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича “маҳалла еттилиги” ҳамжиҳатлигида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 35 та оила “еттилик” кўмагида вилоят ташкилотлари раҳбарларига бириктирилган.

Маҳфуза ОҚБОЕВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

Ўрганишлар чоғида аниқланган 410 нафар ишсиз фуқаронинг 367 нафари “маҳалла еттилиги” саъй-ҳаракати натижасида ўзини ўзи банд қилиб, даромад манбаига эга бўлди. Қолган 39 нафари доимий ишга жойлаштирилди. Ҳоким ёрдамчиси 21 нафар фуқарога имтиёзли кредит олишга кўмаклашди. 6 нафар хотин-қизга субсидия асосида тикув дастгоҳи ажратилди.

Зулайҳо Абдураҳмонова “Хонобод” маҳалласи Амир Темур кўчаси 19-уйда истиқомат қилади. Табиатнинг қишлоқ аёлига ато этган меҳнатсеварлик, куюнчаклик каби неки яхши хислати бўлса, барчаси жуссаси меҳнатда қотган шу муштипар аёлда мужассам.



– дейди Зулайҳо Абдураҳмонова.

– Тақдир экан, аянчли автоҳалокат туфайли турмуш ўртоғимни жуда эрта йўқотдим, икки нафар ўғлим бор. Бир ўғлим Зиёдулла Ҳамроев биринчи гуруҳ, келиним иккинчи гуруҳ ногирони. “Маҳалла еттилиги” келиб, шароитимизни ўрганиб, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаб ёрдам қўлини узатишди. Паррандачиликка қизиқишим борлигини билиб, ўзимга 40 бош товуқ беришди. Кунига камида 25-30 донагача тухум олишга эришяпман. Болачақамдан ортганини қўшниларга сотяман. “Еттилик” кўмаги билан ўғлим Зиёдуллага замонавий компьютер ва рангли принтер ускунаси, келинимга қўлида тикувчилик ҳунари борлиги учун тикув машинаси олиб берилди. Улар ҳам ўзини ўзи банд қилиб, оилага ёрдамлашяпти. Келаси йили даромадимни йиғиб, товуқлар сонини кўпайтириш истагидаман. Ёнига ғоз, ўрдак қўшиб боқмоқчиман.



Беҳзод Раимов — қишлоқнинг суяги меҳнатда қотган, тиниб-тинчимас йигитларидан. “Маҳалла еттилиги”нинг “хонадонбай” ўрганишлари чоғида иссиқхона қуриш истаги борлигини, бунинг учун моддий имконияти етарли эмаслигини билдирди. Унга ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан банкдан 33 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиб берилди. Уч сотихли иссиқхонасига қулупнай экиб, 60 млн. сўм даромад қилишга эришди. Маблағга чорва моллари сотиб олиб, кўпайтирди. Ҳовлида паррандачилик, асаларичилик фаолиятини йўлга қўйди.

Интилганга толе ёр, деганларидек, бу йили иссиқхонадан ташқари, ҳовлидаги плёнка остига қулупнай эккан. Келаси йили баҳорда пишади. Насиб қилса, ундан 100 млн. сўм даромад олишни мўлжал қиляпти.

“Хонобод” маҳалласида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида олиб борилаётган бундай амалий ишлар қизғин давом этмоқда.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

РЕДИСКА ҚАНДАЙ ЕТИШТИРИЛАДИ?

Кейинги йилларда аҳоли хонадонида томорқачилик ривожланиб бормоқда. Эътиборли жиҳати, бу соҳада яхши тажрибага эга бўлиш — йилнинг тўрт фаслида юқори даромад олиш имконини беради. Бунинг учун етарли билим, малака зарур. Бу гал томорқада редиска етиштириш ва мўл ҳосил олиш ҳақида маълумот берамиз.

Аввало, тупроққа яхшилаб ишлов берилади. Бу жараёнда табиий ўғит солинади. Сўнг тупроқ 28-30 см. чуқурликда ҳайдалади. Майдон бегона ўтлардан тозаланиб, суғориш эгатлари олинади.

Уруғи экилгандан сўнг, униб чиққан ниҳолнинг тезпишар нави 25-30, ўртапишари 35-40, ўртача кечки навининг илдизмеваси 40-45 кунда етилади.

Редиска далага эрта баҳорда — февраль охири-март ойида ёки сентябрь-октябрь ойлари экилади. Уруғи сабзавот сеялкаси билан пушталарга икки қатор қилиб сепилади. Пушталар ораси 50-70 см., йўллар ораси 8-10 см., редиска ораси 8-9-12 см. қилиниб, ҳар гектарга 14-18 кг. уруғ қадалади.

Сўнг пушталарга биогумус солиш яхши самара беради. Агар сепма усули қўлланилган бўлса, иккитадан чинбарг чиқарганда ягана қилинади. Навига қараб, редиска гектаридан камида 50-60, кўпи билан 100-120 центнер (0.5-1 тонна) гача ҳосил беради.

Шуҳрат ОТАЖОНОВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.



Жамоавий спорт турларини ривожлантириш ва иқтидорли ёшларни саралаб олишга қаратилган ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



Янги қонун билан махсус иқтисодий зоналар фаолиятини бошқариш тизими янада соддалаштирилади.



Янги қонунга асосан, хориждаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ кучайтирилади.

КЎЗГУ

Тараққиёт ташаббускор, интилувчан ва билимли ёшларники

Бугунги кунда яратилаётган имкониятлардан фойдаланаётган ўғил-қиз борки, ҳаётда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўляпти. Ана шундай изланувчан ва билимга чанқоқ ёшлар Узун туманида етарлича топилади.



Тожимурод КЎЧАРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Узун тумани бўлими бошлиғи.

Ёшлар — кўп жиҳатдан жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатувчилардир. Аммо, шу билан бирга, улар меҳнат бозорида иш топишда катта қийинчиликларга дуч келадиган энг заиф тоифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда тумандаги меҳнат бозорига янги кириб келаётган ва мавжуд ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида Бандлик дастури ишлаб чиқилди ва 272 нафар йигит-қиз унга киритилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида уларнинг 60 нафари доимий иш ўрнига жойлаштирилди, 40 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 16 нафарига субсидия, 11 нафарига кредит, 130 нафарига ер ажратиш орқали бандлиги таъминланди. Шунингдек, мактаб битирувчилари учун 449 та янги иш ўрни яратилди.

Чекка ҳудудларда ёшлар бандлиги масаласини ҳал этиш бироз мушкул. Бироқ аукционга 400 гектар ер майдони қўйилиши билан уларнинг деҳқончиликни ривожлантиришига имкон яратилди. Бугунги кунда ердан фойдаланишни ихтиёр этган йигит-қизларнинг 620 нафарига 378 гектар ер майдони ажратилди. Ҳозиргача бу ерлардан етиштирилган ҳосилдорлик миқдори 398 тоннани ташкил қилди. Ушбу ҳосилдан ёшлар 997 миллион сўм даромад олди. Шундай ёшлардан бири — “Янги ҳаёт” маҳалласида истиқомат қилувчи Мафтуна Ражабова 0,30 гектар ерга пиёз экиб, 38 миллион сўм фойда кўрди. Ундан ўрнак олаётган ёшлар бирин-кетин деҳқончилик сирларини ўрганишга чоғланиб, ерга маҳсулот экиш учун ишлов бермоқда.

Узун тумани маҳаллаларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни турли ёт ғоялардан асраш ва Ватанга садоқат туйғуси билан камол топишини таъминлаш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиляпти. Жумладан, “Файзиобод” маҳалласида қад ростлаган “Маданият уйи”да шундай тадбир ўтказилди. Учрашувда оталиққа олинган, оғир тоифадаги, уюшмаган ёшлар, техникум ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди. Жараёнда ҳар бир ёшнинг таклиф ва мурожаатлари тингланиб, уларни қийнаётган муаммоларга қулоқ тутилди ва жойида бартараф этиш чоралари кўрилди.



Ҳудудда “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг ташкил этилиши ёшларнинг ўзини ҳар жиҳатдан синаб кўришига замин яратди. Маҳаллаларнинг барчасида эрталабки бадантарбия ва оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланган. Спортчи ёшларнинг ютуқлари ҳам талайгина. Мисол учун, “Файзова” маҳалласидан Темурбек Чориев, Наргиза Шоимова, Муҳаммадали Менглимуродов, “Оқтумшуқ” маҳалласидан Жасмина Тангирова ҳамда Умид Тўхтаров таэквондо бўйича республикада фахрли ўринларни қўлга киритди.

“Ёш китобхон” танлови бугунги кунда том маънода ўзига хос “ижтимоий лифт” бўла оляпти. Ёшларни китобхонликка жалб қилиш, мутолаага қизиқувчиларнинг сонини ошириш мақсадида бундай танловларнинг кўплаб ўтказилиши таъминланмоқда. Хусусан, “Китоб менинг дўстимсан” шиори остида тарғибот ишлари олиб бориляпти. Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришига ҳаракат қиляпмиз.

Бугунги глобаллашув шароитида ёшлар барча соҳаларда, барқарор тараққиёт йўлида ўзининг ўрнига эга бўлиб бормоқда. Янгидан-янги ташаббусларни илгари суриб, замонавий йўналишларни забт этяпти. Бу ўринда, албатта, ёш авлоднинг имкониятини ошириш, шарт-шароитлар яратиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим. Бунинг учун ҳар бир масъул шахс жавобгарликни ҳис этиб, бор имконияти билан ҳар бир ёшга таянч бўлмоқда.



ТАШАББУС

Замонавий касбга қизиқувчи кўп, бироқ иш топиш муаммо

Ёшим йигирмада. Шу ёшда етакчи вазифасини бажараётганимдан кўплар ҳайрон қолади. Етакчиликнинг иши оғир, жавобгарлиги бор, албатта. Бироқ ёш бўлганим боис йигит-қизларни янги имкониятлардан бохабар этиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг замонавий технологияларни қунт билан ўрганишига шароит яратиш мақсадида шу масъулиятли ишни зиммамга олдим. Бу йўлда тенгдошларим билан ишлаш мен учун қизиқ бўлди.

Арман АЛИМҚУЛОВ, Томди тумани “Керегетау” маҳалласи ёшлар етакчиси.

2024 йил май ойида иш бошлаганман. Унгача IT соҳасини ва инглиз тилини чуқур ўргандим. Замонавий касб ва инглиз тилини ўрганиш чоғида улар ҳозирги замонда кенг имкониятлар эшиги эканига амин бўлдим. Тил билиш орқали янги нарсаларни ўрганиш осон. Дунё айвонида содир бўлаётган янгиликлардан воқиф бўлиш, исталган маълумотни шу тилдаги бирламчи манбадан олиш орқали дунёнинг энг кучли инсонлари, тадбиркорларини тинглаб, ёшлар учун керакли руҳлантиришни олиш мумкин.



Замонавий касб ва инглиз тилини ўрганиш чоғида улар ҳозирги замонда кенг имкониятлар эшиги эканига амин бўлдим

Ана шу йўлда йигит-қизларнинг янгидан-янги билимларни, тилларни ўзлаштириши учун “Устоз AI”, “Ибрат фарзандлари”, “Мутолаа” лойиҳаларининг тарғиботини кучайтириб, тил ўрганиш бўйича мусобақалар ташкил этяпман. Пешқадамлар рўйхатида республика бўйича ТОП-100 таликка кирган ўқувчи-ёшларга ойлик курслар тўловини тўлаб беришга ваъда бердим. ТОП-50 таликка кирганларга икки ойлик, ТОП-10 таликка кирганларга уч ойлик харажатлари тўланади. Бу орқали ёшларни чет тилларига қизиқтириш, тезроқ ўрганишига туртки беришни мақсад қилдик. Саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади: 9-синф ўқувчиси Айғаним Бекназарова 1-ўринни қўлга киритиб, 300 минг сўмлик пул мукофотига эга бўлди. Айғаним бу натижага етишгунча кўп меҳнат қилди, “B2” сертификатини қўлга киритди, шу билан бирга, пешқадамлар рўйхатида ТОП-5 таликда турибди.

Асосий мақсадимиз — ёшларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларга янги билимларни ўрганишига шароит яратиб беришдир. Бироқ туманимизда замонавий касблардан иш топиш мушкул. Топган тақдирда ҳам компаниялар, тадбиркорлар камлиги сабаб бу соҳада ўқувчиларнинг ишончини ошириш қийинчилик туғдирмоқда. Талаб кам. Аммо бу соҳаларни пухта эгалласа, камбағаллик занжирини узиш мумкинлигини тушунтираман ва шу оила вакили айнан у бўлиши мумкинлигини уқтираман. Ўз тажрибасини оширса, ёшларни яхши даромадли ишга жойлаш осон бўлади. Тушунтиришларимиз натижа бериб, 9-11-синф ўқувчилари компьютерни ўрганишга киришди. Яқинда икки нафари инглиз тилини ўрганиш бўйича қизиқиш билдирди. Уларга курс пулларининг ярмини тўлаб бердик.

Маҳалламиз кичик, унда истиқомат қилувчи ёшлар 222 нафарни ташкил этади. Ҳудуд аҳолиси, асосан, чорвачилик билан шуғулланади. Деҳқончиликни ривожлантиришнинг иложи йўқ. Сув танқис, ер ҳосил бермайди. Шу боис ёшлар қорамолларни кўпайтириб, даромад қилади. Кўпи завод, корхоналарга ишга жойлашган. Бир нечтаси кичик дўкон очиб, ундан тушган фойдага рўзғор тебратади. Уларга имкониятим етганича кўмак беришга астойдил ҳаракат қиламан. Ёшлар масаласи билан боғлиқ қийинчиликларга чора топишда қийналсам, албатта, “маҳалла еттилиги” билан бирга ҳамкорликда ишлайман.

Аввало, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш лозим, деб ҳисоблайман. Жадал ўзгариб бораётган замонда уларнинг зукко, билимли бўлиши, ҳар қандай масалада тўғри қарор қабул қила олиши — энг муҳим омиллардан саналади. “Заковат” лойиҳаси айнан ёшлар учун шундай имкониятни беради. Яқин кунларда “Заковат” ўйинини маҳалламизда кенг миқёсда ташкил этишни режа қиляпмиз. Мақсадимиз — туманда биринчиликни олиш учун кучли 10 таликни шакллантиришдир.

Ёшларни замонавий касбларни ўрганишга тарғиб қиляпман. Бироқ компьютернинг етарли эмаслиги бизда муаммо бўляпти. Тенгдошларимга IT соҳасини ўрганиши учун махсус платформаларни телефонда юклаб олишини маслаҳат бераман. Аммо ушбу соҳа мураккаб бўлгани боис амалиёт билан бирга, устоз ёрдами керак бўлади. Ўқувчилар янги касбларни эгаллаши учун компьютерларни кўпайтириш таклифини бераман.

БИЛАСИЗМИ?

СИРТҚИ ВА КЕЧКИ ТАЪЛИМ УЧУН КРЕДИТ БЕРИЛМАЙДИ

“Олий ва профессионал таълим ташкилотлари талабалари ва ўқувчиларига бюджет маблағлари ҳисобидан таълим кредитини ажратиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент фармонига асосан, эндиликда фоизсиз таълим кредити фақат кундузги таълим шаклида олий ва профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талаба ва ўқувчиларга ажратилади.

Бунга қадар таълим кредитини сиртқи ва кечки таълимда ўқиётганлар ҳам олиши мумкин эди.

Шунингдек, эндиликда иккинчи ва ундан юқори курс талабалари учун фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсаткичи “3” дан паст бўлган тақдирда, таълим кредити тўлов-контракт суммасининг кўпи билан 80 фоизи миқдорида ажратилади. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оилалар фарзандлари бундан мустасно. Биринчи босқичлар учун эса бир йиллик шартнома миқдорида ажратилади.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Шаҳноза ТЎЛАГАНОВА. Андижон вилояти:

— Мен яқинда прокуратура органига ишга кириш мақсадида ариза топширдим. Бироқ яқинларим орасида судланган инсон бор. Яқин қариндошларим судлангани учун прокуратурага ишга қабул қилинмаслигим мумкинми?

“ОИЛАМДА СУДЛАНГАН БОР, ПРОКУРАТУРА СОҲАСИДА ИШЛАЙ ОЛАМАНМИ?”

Насриддин ДАМИНОВ, юрист, адвокат:

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган.

Шунингдек, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 43-моддасига кўра, прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотга эга, зарур касбий фазилатлари бўлган, зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланади.

Ушбу қонунда шахснинг яқин қариндошлари судланганлиги ҳолати унинг мазкур органга хизматга киришига чеклов қўйиш ҳақидаги бирор қоида белгиланмаган.

Шундай экан, сиз юқоридаги қонуннинг 43-моддаси талабларига жавоб бера олсангиз, ушбу органга ишга қабул қилинишингиз мумкин.



Президент қарори билан тиббиёт муассасаларини ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ билан таъминлаш тизими такомиллаштирилади.



Чимёнда ОЙНАВАНД КАПСУЛА уйлардан иборат дам олиш маскани очилади.



“ТОШКЕНТ – ХЎЖАКЕНТ” йўналишида янги электропоезд қатнови йўлга қўйилади.

ЖАРАЁН

Йил якунигача йиғинлар ишсизлик ва жиноятдан холи ҳудуд бўлади

Бугунги кунда Булунғур туманидаги 55 та маҳаллада аҳолининг барча муаммоларини йиғиннинг ўзида ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Ҳар бир йиғинда “Омбор китоби” шакллантирилиб, уларда ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, ёшларга ер ажратиш, хонадонларни обод қилиш, кўчаларда ҳашарлар ташкил этиш бўйича манзилли чора-тадбирлар белгиланган. Ушбу йўналишда ҳар бир кўча “маҳалла еттилиги” аъзоларига тақсимланди.



Ҳасан ЭГАМБЕРДИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Булунғур тумани бўлими бошлиғи.

Аҳолига қулайлик яратиш, маҳалладан туриб давлат ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш, барча давлат органларига мурожаат қилиш ва маълумотларнинг ягона базасини юритиш мақсадида “Рақамли маҳалла” платформаси яратилди.

Жорий йил “маҳалла еттилиги”, сектор раҳбарлари, тижорат банклари ва масъул ташкилот раҳбарлари ҳамкорлигида 8 065 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. “Сайхунобод тажриба”сидан келиб чиқиб, тумандаги барча маҳаллаларда қишлоқ хўжалиги, иссиқхоналар ва бошқа турдаги кўрсатгичларга имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, томорқадан унумли фойдаланишни ташкил этиш орқали 969 та камбағал оила қўшимча даромад манбаига эга бўлди.

Аҳоли норозилигига сабаб бўладиган 272 та муаммо “маҳалла еттилиги” ва сектор раҳбарлари ҳамкорлигида ўрганилиб, ҳал этилмоқда.



Жумладан, 199 км. тупроқли йўллардан 177 км. қисмига шағал ётқизилди, 28 километри асфальтланди. 5,7 км. пиёдалар йўлаги барпо этилди. 36 та трансформатор таъмирланиб, 98 та симёғоч алмаштирилди. 50 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 5,2 км. ичимлик сув тармоғи тортилиб, таъмирланди. 2 та янги ичимлик сув иншооти қўйилди. Шунингдек, 6 801 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига моддий ёрдам, ногиронлик аравачаси, протез-ортопедия, озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Тумандаги ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир бўлган “Лалмикор” маҳалласидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича “Ҳаракатлар режаси” ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланди. “Зарафшон” маҳалласидаги 4 минг нафарга яқин аҳолига хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пункти қайта таъмирланди.

Амалга оширилаётган ижобий ишлар қаторида “еттилик”нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, тумандаги 55 та маҳаллага 33 та замонавий планшет, 38 та янги замонавий компьютер, 5 та *(“Исори Ўроқли”, “Олмазор” ва “Лалмикор”, Фозил Йўлдош ва Эсонтурди номидаги)* йиғинга мебель жамланмаси, “Эрганакли”, “Оқтош”, “Бешкуби”, “Қўнғирот” йиғинларига стол-стул жиҳозлари, 30 та маҳаллага носна кўчирувчи қурилма, 6 таси кондиционер, 8 таси қуёш панели билан таъминланди. Бундан ташқари, “Навбаҳор”, “Янгиқўрғон”, “Небўса”, “Сайилтепа”, “Янгиарик”, “Гулобод”, “Бешкуви”, “Ғўбдин”, “Гулистон”, “Олмазор”, Улуғбек ва Фозил Йўлдош номидаги маҳаллаларга янги замонавий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларида тезкорлик билан ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида, интернет алоқа тармоғидан фойдаланишлари учун 55 та маҳаллага Wi-Fi қурилмаси тарқатилиб, ишга туширилди.

Йил якунига қадар мурожаатлар ошган 7 та *(“Сайилтепа”, “Ғўбдин”, “Навбаҳор”, “Булунғур”, “Олмазор”, “Улуғбек”, “Каттақишлоқ”)* маҳаллаларида уйма-уй юриб, муаммолар бартараф этилади. Бу борада жамоатчилик назорати ўрнатилади. Шунингдек, маҳаллаларни ишсизликдан ва жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш чоралари кўрилади.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Юқори натижа учун билим бирламчи омил

“Маҳалла еттилиги” таркибида “маҳаллабай” иш бошлаганимиздан сўнг солиқ тўловчиларнинг ўз мажбуриятларини ихтиёрий бажариш кўрсаткичлари ҳамда солиқлар йиғилувчанлиги ошди. Маҳаллаларда йиллар давомида тўпланиб қолган миллиардлаб қарздорлик кескин камайди. Масалан, бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган “Офтобқўрғон” маҳалласидаги қарздорлик 260 млн. сўмга тушди.

Икром ЧОРИЕВ, Жарқўрғон туманидаги “Матонат”, “Офтобқўрғон” ва “Янгиусул” маҳаллалари солиқ инспектори.

Албатта, бу натижаларга эришиш осон бўлгани йўқ. Аввало, “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда солиқ ислоҳотларини тушунтириб бордик.

Чунки фуқаролар солиқ қонунчилигидан қанчалик хабардор бўлса, тўловларни шунчалик тез амалга оширади.

Эндиликда аҳолининг мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларнинг 10 фоизи “Маҳалла бюджети”да қолади. Ушбу маблағлар маҳаллада янги иш ўрни яратишга, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтирилишини кенг тарғиб қилиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва хотин-қизлар фаоли билан биргаликда “Маҳалла бюджети”ни шакллантириш мақсадида жисмоний шахслардан мол-мулк ва ер солиғи бўйича мавжуд қарздорликни ундириш ишларини тўғри, ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўрдик.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими-



нинг яна бир қулайлиги шундаки, кўпчилик билан бамаслаҳат иш олиб боряпмиз. Маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўлларини излаяпмиз. Масалан, “Офтобқўрғон” маҳалласи пиёзчиликка, “Янгиусул” йиғини чорвачиликка, “Матонат” маҳалласи деҳқончиликка ихтисослаштирилмоқда. Ҳозир учта маҳаллада 2 225 нафар ер, 1 776 нафар мол-мулк солиғи тўловчиси бор. 10 та юридик шахс, 36 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. 89 та деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, уларда турли полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Ўзини ўзи банд қилган 1 166 нафар фуқаронинг 14 нафари тадбиркорлик субъекти ташкил этди.

Фаолиятим давомида тадбиркорликка қизиқувчи ёки фаолиятини энди бошлаётган, ҳуқуқий ва иқтисодий қийинчиликларга дуч келаётган субъектлар билан манзилли ишлаяпман. Улар билан доимий мулоқотда бўлиб, иқтисодий жиноятнинг салбий оқибатларидан хабардор этяпман. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ходимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклигини тушунтиряпман.

Жорий йил ўтказилган хатлов жараёнларида 21 та объект аниқланиб, қўшимча 9,3 млн. сўм солиқ тушуми ҳисобланди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 8 та тадбиркорлик субъекти фаолияти қайта тикланди, ноқонуний фаолият кўрсатаётган 16 нафар тадбиркор рўйхатдан ўтказилди. 10 та корхонада норасмий ишлаётган 35 нафар ишчининг меҳнат фаолияти қонунийлаштирилди. Натижада 13,3 млн. сўм қўшимча манба аниқланди. Жорий йил якунига қадар биргина жисмоний шахсларнинг тураржой объектларидан 1 млрд. 649,1 млн. сўм ундирилиши кутилмоқда. Шунинг 10 фоизи, яъни 186,7 млн. сўм миқдори маҳаллалар бюджетида қолади.

Самарадорлик кўрсаткичим 100 балл бўлгани алоҳида эътироф этилиб, Солиқ қўмитаси раҳбариятининг ташаккурномаси билан тақдирланганимда, “Меҳнат қилган – элда азиз”, деган нақлнинг моҳиятини янада теранроқ англадим. Келгусида билдирилган ишончни оқлашга, янада яхшироқ натижаларга эришишга ҳаракат қиламан.

Биринчи навбатда, маҳаллаларда тадбиркорлар сонини кўпайтириб, маҳаллалар бюджетини ошираман. Бунинг учун шароит, имкониятлар етарли. Фақат виждонан ишласак, бас.

БИЛАСИЗМИ?

ЭЛЕКТРОН ИМЗО ҚАНДАЙ ОЛИНАДИ?

Бугунги ахборот асрида уйдан ёки офисдан чиқмасдан, солиқ ва бошқа электрон давлат хизматларини масофадан туриб бажаришингиз мумкин. Бу жараёнда ҳам вақтингиз, ҳам нақдингиз тежалади.

Ҳўш, электрон рақамли имзодан фойдаланиш нима учун қулай?

– юқори даражадаги хавфсизлик;

– вақт ва ресурсларни тежаш;

– солиқ ва бошқа электрон давлат хизматларидан масофадан фойдаланиш.

ЭРИ қандай олинади?

e-imzo.soliq.uz сайти орқали ЭРИни онлайн олиш мумкин.

Ариза топширишда экрандаги QR-кодни “Soliq” мобил иловасининг “Электрон рақамли имзо” бўлими орқали сканерлаш ва Face ID дан ўтиш керак.

ЭРИ қанча туради?

– юридик шахслар учун – БҲМнинг 10 фоизи (37 500 сўм);

– жисмоний шахслар учун – БҲМнинг 7 фоизи (26 250 сўм).

Эслатиб ўтамиз, ҳозир 1 БҲМ — 375 000 сўм.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Муаммолар тингланиб, ечимлар изланмоқда

“Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” якунлари ва Бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 2025 йилга мўлжалланган устувор вазифаларни муҳокама қилиш мақсадида пойтахтимиз тадбиркорлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.



Солиқ қўмитаси раиси Шерзод Кудбиев ва Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов иштирокида ўтган учрашувда соҳадаги мавжуд муаммолар кўриб чиқилиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.


Солиқ қўмитаси раҳбариятининг бизнес вакиллари билан юзма-юз очиқ мулоқотлари Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманлари тадбиркорлари иштирокида давом этди. Унда Ш.Кудбиев бугунги кунда “Солиқ” мобил иловасида тадбиркорлар учун яратилган имконият ва қулайликлар хусусида сўз юритди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, тадбиркорлар фаолиятида юзага келаётган янги лойиҳаларни ишга тушириш, экспорт ҳажмини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, коммуникация тармоқларига уланиш билан боғлиқ муаммолар ҳақида сўз юритиб, масъуллар уларнинг ечими бўйича таклифлар билдирди.

Солиқ қўмитаси раҳбарияти тадбиркорлик субъектлари фаолиятида учраётган айрим муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимлари юзасидан таклифлар тайёрлаш мақсадида ташкил этаётган бундай учрашувлар ҳудудларда ҳам ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлар Хоразм вилоятининг 4 та – Хонқа, Боғот, Ҳазорасп ва Тупроққалъа туманларида Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Абдиев иштирокида бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш бўйича мавжуд муаммолар муҳокама қилиниб, уларнинг ечимлари айтилди. Хива шаҳрида ўтказилган учрашувда ҳудудда туризм соҳаси ривожлангани сабабли ушбу соҳадаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.


Бундай юзма-юз мулоқотлар икки томон учун манфаатли бўлмоқда. Шу боис учрашувлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида давом этмоқда.



Ўзбекистон ва Италия ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР билан курашда ҳамкорликни кучайтиради.



Ўзбекистонлик уч нафар иштирокчи атом технологиялари бўйича ДУНЁДАГИ ЭНГ КУЧЛИ билимдонлар юзталигига кирди.



Ўзбекистон – Озарбайжон нодавлат нотижорат ташкилотлари ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ ўтказилди.

ТАҲЛИЛ

Ижтимоий профилактика тадбирлари тўлиқ, изчил ва самарали бажарилади

Давлатимиз раҳбари 2023 йил 30 март куни Нукус шаҳридаги “Алтин жағис” маҳалласига ташрифи чоғида берган топшириқларига мувофиқ, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш мақсадида “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида “еттилик” вакилларининг ўзаро ҳамкорлигини оширишга қаратилган янгича ишлаш тизими жорий этилди.



Хотам ҚОДИРОВ,
Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бошлиғи, подполковник.

Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Спорт вазирлиги “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш механизмларини белгилаш тўғрисида”ги қўшма қарорни имзолади. Шу асосда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёхуд ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан кунлик якка тартибда ишлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳудудларда оғир аҳволга тушиб қолган шахсларнинг муаммоларини бартараф этиш орқали жиноятчиликни жиловлашнинг мутлақо янги – “Ижтимоий профилактика” миллий тизими йўлга қўйилиб, ижобий натижаларга эришилди.

Ички ишлар вазирлиги “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида **“E-ijtimoiy profilaktika” электрон ахборот тизими ишлаб чиқди.** Шу тариқа профилактика инспекторлари хонадонлар, оилалар ва профилактик ҳисобдаги шахсларни ўрганиш жараёнида ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаб, электрон ахборот тизими орқали хулоса расмийлаштириш, уларни “маҳалла еттилиги”га электрон тарзда тақдим этиш имконига эга бўлди.

Якка тартибда профилактик тадбирлар натижасида юқоридаги тоифадаги шахсларнинг жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этиши сезиларли даражада камайди. Хусусан, 2024 йилнинг 11 ойи давомида профилактика инспекторлари хонадонлар, оилалар ва профилактик ҳисобдаги шахсларни ўрганиб, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган 566 минг 167 нафар шахсни аниқлади. Уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида хулосалар тузилиб, “еттилик”ка тақдим этилди. Шу кунгача 341 минг 931 нафар шахснинг муаммолари ижобий ҳал этилди.

Дарҳақиқат, Президент фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясига мувофиқ, **ижтимоий профилактика**ни амалга оширишнинг аниқ тизимлари белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги **“Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори билан эндиликда ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари билан электрон ахборот алмашиш тизими йўлга қўйилади.

Маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларининг тўлиқ, изчил ва самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида “маҳалла еттилиги”га ҳамда тадбирларни амалга оширишга кўмаклашувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотларига “E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизимидан фойдаланиш имконияти яратилади. Мазкур тизим Маҳалланинг ягона платформаси билан интеграция қилинади.



КИМЛАРГА НИСБАТАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Қарор билан **“Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”**ги Низом тасдиқланди. Унга кўра:

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар *– маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори;*



ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар *– меҳнат органи ходими, тиббиёт ходими, мактаб директори ва мактаб психологи, инспектор-психолог, шунингдек, тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари саналади.*

Ижтимоий профилактика тадбирлари ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ундан жабрланиш эҳтимоли бўлган шахсларга нисбатан амалга оширилади.

ОБЪЕКТЛАР ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

Профилактика инспектори ижтимоий профилактика объектларини аҳолини “хонадонбай” ўрганиш, маҳалла фаоллари, уйбоши ва кўчабошилар берган маълумотлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг тақдимномаси, оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали олинган маълумотлар асосида аниқлайди.

Сўнгра амалга ошириладиган ижтимоий профилактика тадбирлари бўйича профилактика инспектори ахборот тизимида хулоса тайёрлайди. Хулосада бундай шахслар билан ўтказилган профилактик суҳбатлар, уларнинг турмуш тарзи, ўз ваколатлари доирасида тегишли давлат органларидан олинган оила аъзолари ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади. Профилактика инспекторининг ўзи томонидан бу шахслар бўйича хулоса расмийлаштирилиши талаб этилмайди.

Маҳалла раиси “еттилик”ка бириктириладиган шахслар билан давлат органлари ва ташкилотлари вакилларини жалб этган ҳолда, ижтимоий профилактика тадбирлари ҳамкорликда ташкил этилишини таъминлайди. Профилактика инспектори ахборот тизими орқали юборган ижтимоий профилактика объектлари тўғрисидаги маълумотларни “маҳалла еттилиги” **уч иш куни** ичида ўрганиб чиқади. Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, “еттилик” ўзининг **ижтимоий мослаштириш дастурини** ишлаб чиқади. Рад этилса, ҳужжатлар ва маълумотларда аниқланган камчиликлар кўрсатилиб, бартараф этиш ҳамда такроран юбориш учун профилактика инспекторига қайтарилади.

Ижтимоий мослаштириш дастури ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахсларнинг **ҳар бири учун алоҳида тузилади**, унга ҳар бир ижтимоий профилактика объекти киритилади ҳамда ижрога қаратилади. Дастурда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни мунтазам равишда “маҳалла еттилиги” ахборот тизимига киритиб боради.

“Маҳалла еттилиги” ижтимоий мослаштириш дастури асосида ўз йўналишлари бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширади. **Маҳалла раиси** ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиб, ҳар ҳафта маҳаллада уларнинг ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради. “Еттилик” вакиллари зарур ҳолларда тадбирларга меҳнат органи, тиббиёт ходими, мактаб директори, мактаб психологи ва инспектор-психологни жалб қилади. Худди шундай, дастурларни амалга оширишга маҳалла фаоллари, имом-хатиб, отинойилар ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

***

Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар томонидан ижтимоий мослаштириш дастури профилактика инспектори билан, профилактика инспекторининг ўзи томонидан амалга оширилган ижтимоий мослаштириш дастури эса маҳалла раиси билан биргаликда тузиладиган қўшма хулоса асосида якунланади.

Агар дастурга киритилган шахслар вафот этганда, озодликдан маҳрум этилганда ёки доимий яшаш учун хорижий давлатга кўчиб кетганда, уларга нисбатан ижтимоий мослаштириш дастурини тугатиш ҳақида маҳалла профилактика инспектори билан биргаликда қўшма хулоса тузилади. Улар узоқ муддатга хорижий давлатга кетганда, дастур вақтинча тўхтатилиб турилади ва қайтганидан сўнг қайта тикланади. Бу шахслар республиканинг бошқа ҳудудига доимий ёки вақтинча яшаш учун кўчиб кетса, улар билан олиб борилаётган тадбирларни борган жойидаги “маҳалла еттилиги” давом эттириши мумкин. Бир сўз билан айтганда, барча қоғозбозликдан воз кечилди.

8 ДЕКАБРЬ – КОНСТИТУЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлидаги муҳим қадам

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида жиддий демократик ўзгаришлар юз бермоқда. Бу эса жамият ривожланишидаги демократик янгиликларни Конституцияда ифода этиш заруриятини келтириб чиқарди. Шу сабабли 2023 йил 30 апрелда ўтказилган умумхалқ референдумида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги таҳрирда қабул қилинди.

Нилуфар АКБАРОВА,
Тошкент вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси.



Ўзбекистон Конституциясида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига олий қадрият сифатида тан олинган.

Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, ушбу тузатиш ва қўшимчалар Конституциянинг давлат тузилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ижтимоий ривожланишнинг фундаментал асосларини тартибга солувчи принципиал қоидаларининг ўзгаришига олиб келмади, аксинча, Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифаларини янада бойитди. Киритилган ўзгартиришлар халқ ҳокимиятчилиги ва давлат ҳокимияти бўлиниши тўғрисидаги конституциявий тамойилларни амалга оширишнинг кафолатларини янада кучайтирди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасидаги ваколатларнинг демократик, мутаносиб тарзда қайта тақсимланиши ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайди. Улар ўз зиммаларидаги вазифаларни мустақил бажариши учун зарур шарт-шароитлар ва қатъий кафолатларни яратади. Хусусан, ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш борасидаги парламентнинг роли ошиб, ваколатлари кенгайтирилди.

Конституцияга киритилган ўзгартишлар жамиятимизни янада эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлиб, жамиятимизда юз бераётган ижобий жараёнларнинг давомийлиги ва изчиллигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган демократик принциплар – халқ ҳокимиятчилиги кучайиб, фикрлар хилма-хиллиги қарор топишида, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ортиб боришида ўз ифодасини топади.

Бош қомусимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига олий қадрият сифатида тан олинган. Бинобарин, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини тан олиш, уларга риоя этиш, уларни таъминлаш ва ҳимоя қилиш, ҳар қандай ноқонуний аралашув ёки чеклашдан муҳофаза қилиш вазифасини давлат ўз зиммасига олади.

Айнан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ва оширилажак суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсадидир. Шу боис ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини эркинлаштиришга қаратилган стратегик йўл ҳуқуқий соҳани ҳам қамраб олди. Одил судловни амалга ошириш ва суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ қонунчилик тубдан ислоҳ қилинмоқда. Суд тизимини ислоҳ қилишда судларнинг ихтисослашувини жорий этиш, яъни умумий юрисдикция судларини фуқаролик ва жиноят ишларини, маъмурий ва иқтисодий ишларни кўрадиган алоҳида судларга бўлиш, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди.

Умуман айтганда, суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилган ислоҳотлар жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда, фуқаролар осойишталиги ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ижобий роль ўйнади.

Конституцияда мустаҳкамланган юксак маънавий, ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарнинг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизнинг янгиланишига кўмаклашади, жаҳон демократик ҳамжамиятига кириб бораётган мамлакатимиз фуқароларида янгича турмуш тарзи ва тафаккурни шакллантиради. Зеро, Конституция биз учун энг азиз ва мўътабар қонун, уни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва унга муносиб бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.



Талабалар учун ҚИШКИ ТАЪТИЛ 2024 йилнинг 25 декабридан 2025 йилнинг 7 январига қадар (шу куни ҳам) этиб белгиланди.



Ўзбекистонликлар Конституция куни байрамида кетма-кет 3 кун, Янги йил байрамида 5 кун ДАМ ОЛАДИ.



Рубоб ясаш ва ижрочилик санъати ЮНЕСКО рўйхатига киритилди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

“Илғор” тажрибаси иқтидор ва ички имкониятларни ишга солади

Турсуной Бозорованинг турмуш ўртоғи пул топиш мақсадида бир неча йил чет давлатдаги қурилиш объектларида ишлайди. Рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли 2024 йилнинг июль ойида оғир аҳволда юртимизга қайтиб келади. Шифокорлар эркакнинг 6 ойгача жисмоний куч талаб қилинадиган ишлар билан шуғулланмаслигини тавсия қилади.







Гулмира ҚУЛМАТОВА,
Сирдарё туманидаги “Илғор” маҳалласи ижтимоий ходими.

Аввалига эрининг юбораётган пулига қайнонаси, 1-гуруҳ ногирони бўлган қайни акаси ва 3 нафар фарзандини едириб-ичираётган Турсуной опа энди анча қийин аҳволга тушиб қолганди. Маҳаллада ўтказилган хатлов жараёнида оила камбағал сифатида рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансурбек Оллоёровнинг маҳалламизга қилган ташрифида ҳудуддаги 141 та камбағал оила билан алоҳида-алоҳида ишлаш бўйича топшириқ берилди. Ўзи хонадонларга кириб, ҳақиқий вазият билан танишди. Аҳоли вакилларини қийин аҳволдан чиқариш учун уларнинг ички имкониятларидан фойдаланиш кераклиги тавсия қилинди.

Шу тарзда жорий йилнинг сентябрь ойидан “Илғор” тажрибаси ўз ишини бошлади. Тумандаги мутасадди ташкилот раҳбарлари билан бирга ўта оғир шароитдаги 20 та оила танлаб олиниб, ҳар бир аъзоси махсус сўровномадан ўтказилди. Шу орқали аҳоли вакилларининг қизиқиш ва имкониятлари янада чуқурроқ таҳлил қилинди.

Оилаларга масъул сифатида раҳбар ходимлар бириктирилди. Биринчи навбатда, одамлардаги тушкунлик ва руҳий сиқилишларни бартараф этиш мақсадида психологик ёрдам кўрсатилди. Беморларга турли даражадаги тиббий муолажалар олиши учун йўлланма берилди.

Турсуной Бозорованинг оиласи ҳам шу рўйхатга киритилган эди. Оиланинг 7 нафар аъзоси — қайнонаси, қайни акаси, турмуш ўртоғи ва 3 нафар фарзанди билан бирма-бир ишлашни бошладик. Аввало, қайнонаси ва ногиронлиги бўлган қайни акаси тиббий кўрикдан ўтказилиб, туман тиббиёт бирлашмасида даволаниб чиқишди. Уларнинг дори-дармонига “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 1 миллион 700 минг сўм маблағ ажратилди. Кекса онахонни сиҳатгоҳда дам олиши учун электрон тарзда навбатга қўйдик. Турмуш ўртоғини мактабга қоровул сифатида ишга жойлаштирдик. Айни вақтда у 1 миллион 500 минг сўм маош оляпти.

Турсуной опани ўзини жорий йилда ишсиз сифатида “Аёллар дафтари”га киритдик. Шу кунга қадар фермер хўжаликларида кунлик ишлаб келаётгани, бу соҳада озми-кўпми тажрибага эга экани ҳисобга олиниб, уйида сув йўқлиги сабаб бўш ётган 15 сотихли томорқасидан унумли фойдаланиши учун шароит яратилди. Ерга ишлов бериб, юмшатилди. Мутахассислар жалб қилиниб, ҳовлисидан қудуқ қазиб берилди. 3 сотих қисмига субсидия асосида иссиқхона қурилди. Ҳозир ерга қадалган саримсоқпиёзлар етилиб, кун-кунора рўзғорга 100-150 минг сўмдан даромад келтиришни бошлади. Томорқанинг қолган қисмига сепилган кўкатлар ҳам сотишга тайёр турибди.

Қайни акаси бир неча йил аввал этикдўзлик билан шуғулланган ҳисобга олиниб, уйининг олдида кўчма дўкон қуриб берилди. Керакли ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Вақтини бесамар ўтказаётган бу фуқаро энди одамлар билан ҳамсуҳбат бўляпти, бошқалар корига яраяпти. Ўзини ўзи банд қилиб, даромад топишга киришди.

Фарзандлари билан суҳбатлашганимизда, уларнинг ўзига хос иқтидор эгаси экани маълум бўлди. 16 ёшли ўғлининг чизган расмлари барчамизнинг эътиборимизни тортди. Иқтисодий қийинчиликлар сабаб шу кунгача ҳеч қандай тўгаракларга қатнашмаган экан. Ака-сингилни турли ўқув курсларига жалб қилдик. Ҳозир рассомчиликдан ташқари, инглиз тилини ҳам имтиёзли равишда ўрганяпти.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгунга қадар ҳам аҳоли ҳозиргидек хизмат ва ёрдамлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. Лекин бу имкониятдан қандай фойдаланишни билмаган. Шунинг учун биринчи навбатда, уларнинг хабардорлигини оширишга эътибор қаратяпман. Хонадонларга кирганда, хатлов жараёнларида янгиликларни содда ва тушунарли услубда етказяпмиз. Одамларнинг ички ресурсларидан фойдаланиб, оёққа туришига кўмаклашяпмиз. Энг муҳими, уларни ҳаракатга ундаяпмиз. Давлат бераётган имкониятлардан унумли фойдаланишига шароит яратяпмиз.

ЛОЙИҲА

ЎЗ УЙИДА ПАРВАРИШ ҚИЛИНАДИ, ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги уйда тиббий-ижтимоий-реабилитация хизматларини кўрсатиш бўйича янги лойиҳа устида иш олиб боряпти. Унга кўра, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Сергели туманларидаги ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга уйда тиббий ва парваришлаш хизматлари кўрсатилади.



Тиббий хизматларни кўрсатиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

• ҳаётий зарур кўрсаткичларни ўлчаш ва мониторинг қилиш;

• соғломлаштирувчи ва фаолликни оширувчи жумладан, моторикани ривожлантирувчи машқлар қилдириш;

• ётоқ яралар профилактикаси ва парвариши;

• тиббий муолажалар яраларни боғлаш, дори-дармон қабул қилишга кўмаклашиш;

• оила аъзолари ёки ассистентга парваришда эътибор талаб этиладиган жиҳатларни ўргатиш;

• ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмаларига ўргатиш.

Парваришлаш хизматларини кўрсатиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

• овқат тайёрлаш (мижознинг ёши, табиати ва аллергик хусусиятларини инобатга олган ҳолда) ва ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаб музлатгичда сақлаб қўйиш;

• кийим-кечакларни ювиш;

• гигиена тадбирларини амалга ошириш;

• супуриш-йиғиштириш (хонадондаги мижоз фойдаланиши зарур бўлган барча хоналарни ва жиҳозларни тозалаш);

• зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни уйга етказиб бериш;

• хонадондаги сантехника жиҳозларини таъмирлаш(уй-жойни бошқарувчи ташкилотлар ва бошқарувчиларни жалб қилиш)да кўмаклашиш;

• сартарошлик хизматидан фойдаланишда кўмаклашиш;

• қариндош ва дўстлар билан ёзишмаларда кўмаклашиш.

ТАҚДИРЛАР

“...Бир қучоқ фарзандлар отасиман”

Президентнинг “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони нафақат етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда, балки оилавий болалар уйи фаолиятини ташкил этишга ижобий таъсир кўрсатади.



Айтиш мумкинки, Бухоро вилоятида 5 та оилавий болалар уйи мавжуд бўлиб, уларда 18 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бола тарбияланиб келмоқда.

Бухоро шаҳридаги “Лоша” маҳалласида истиқомат қиладиганлар Меҳриддин Маттиев хонадонини кўп болали оила сифатида яхши танишади. Чунки Меҳриддин ака ўзининг бир ўғил ва икки қизига қўшиб, 2021 йилда 9-сон оилавий болалар уйини ташкил этиб, бугунги кунга қадар 9 нафар болани асраб олган. Уларни вояга етказиб, 4 нафарини катта ҳаётга учирма қилишга ҳам улгурди.

— *Ўзим, зиёлилар оиласида туғилганман,* ***— дейди Меҳриддин Маттиев.*** *— Аммо тақдир тақозоси билан Меҳрибонлик уйида вояга етишимга тўғри келди. Болаликдан мустақил бўлганим учун улғайганимдан сўнг, ўқишга кирдим. Миллий таомлар ошхонасини очиб, ҳозирда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб келяпман. Ўзим Меҳрибонлик уйида улғайганим сабаб, доим ҳамма болаларни уйимга олиб кетишни ният қилганман. Мана, ниятим холис экан, бугунги кунда бир қучоқ фарзандниг отасиман.*

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Илм мартабаси мартабаларнинг энг улуғидир

Ҳаёт — ниҳоятда мураккаб жараён. У ҳар бир инсонни ўз чигирғидан ўтказади. Киши ёшлигидан то кексаликка қадар унинг турли босқичларини ўзи учун кашф этиб боради. Бу жараёнда тўғри йўлни таниш ва шу йўлдан дадил бориш – энг муҳим масаладир.

Шуҳрат СОЛИҲОВ,
техника фанлари номзоди, доцент.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Шавкат Солиҳов — яхши устозлари, ота-онамизнинг ўгитлари, берган тарбиялари туфайли ўзининг ҳаёт йўлини тўғри топа олган инсон. У тинимсиз меҳнат, изланиш, ўз мақсади сари қатъият билан илдам ҳаракат қилиш орқали катта муваффақиятларга эришди. Илмий фаолияти ҳақида укам — Шавкатнинг ўзи шундай дейди:

“Ҳаётда нимага эришган бўлсам, барчасини ота-онамнинг тўғри тарбияси, оиламиздаги соғлом муҳит, меҳрибонларим томонидан яратиб берилган шарт-шароитлардан, деб биламан. Отам менга доимо тўғри йўл кўрсатиб, китоб ўқишга, билим ўрганишга ташвиқот қилган, ўзлари бу борада бизга намуна бўлган. Ота-онамдан жуда кўп яхши сўзлар, яхши тилаклар эшитиб вояга етганман.

Университетни битириб, илмий фаолиятимни бошлашимда буюк олим, академик Обид Содиқовнинг хизматлари беқиёс. Уларнинг берган маслаҳатларига тўла-тўкис амал қилиб, катта ютуқларга эришдим. Обид Содиқовнинг илмий мактабини давом эттиришни ўзимнинг шогирдлик бурчим, деб биламан”.

Ш.Солиҳов 27 ёшида фан номзоди, 39 ёшида фан доктори, 45 ёшида профессор, 49 ёшида институт директори, 51 ёшида Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги этиб сайланди. 54 ёшида Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби унвонига сазовор бўлди. У 2006-2017 йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси лавозимларида фаолият юритиб, илм-фан ривожига беқиёс ҳисса қўшди. Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ташаббусларни илгари сурди. 2017 йилда Хитой Фанлар академиясининг хорижий аъзолигига сайланди.

Шу ўринда Ш.Солиҳовнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ёш фарзандларимизга, илм-фан оламига эндигина кириб келаётган шогирдларига ибрат бўлишини инобатга олиб, унинг кўпчиликка маълум бўлмаган айрим фазилатлари ҳақида ёзишга журъат этдим.

Шавкат табиатан мақтанишни ёмон кўради. Қилаётган иши амалга ошмагунча бировга маълум қилмайди. Шахсан ўзим унинг ҳозирги кунга қадар бирор ютуққа эришганини матбуотда ўқиб, телевизорда кўриб ёки шу соҳага яқин мутахассислардан эшитиб хабардор бўламан ва вақти келса, уни эришган ютуқлари билан ҳаммадан кейин табриклайман. Шу сатрларни ёзаётиб, бир воқеа эсимга тушди. Докторлик диссертациясини ёқлаш учун Москвага кетмасидан икки кун олдин Шавкат ота-онам билан хайрлашиш учун келиб: “Мен Москва сафарига кетяпман”, деди. Бироқ бизга докторлик диссертациясини ҳимоя қилгани кетаётганини айтмади. Уч кун ўтгач, умр йўлдоши Насибахон укамнинг Москвада докторлик диссертациясини ҳимоя қилганини айтди, ҳаммамиз хурсанд бўлдик.

Шавкат ишёқмас, дангаса, ёлғончи, айёр, айтган сўзининг устидан чиқмайдиган, ўзганинг мулкига хиёнат қилиб, бировлар меҳнати эвазига яшайдиганларни жуда ёмон кўради. Ўзи саховатли инсон бўлиб, доим ҳалол меҳнат қилиб, ким бўлишидан қатъи назар, зарурат бўлганида инсонлардан ёрдамини аямайди. Ўз навбатида, у ҳар жабҳада мустақил фикрлай оладиган, ўз фикрига эга бўлган инсонларни қадрлайди.

Инсон қанча йил умр кечиргани билан эмас, ҳаёти давомида қандай яшагани, яъни у халқига, жамиятга нафи тегадиган қандай ишлар қилгани билан қадрланади. Бундай инсонлар умрбод эъзозланади. Шу маънода Шавкат Солиҳовнинг ҳаёт йўли фарзандларимиз учун ибрат намунасидир.



Академик Шавкат Исмоилович Солиҳов 1944 йил 12 декабрда таваллуд топган. Олим раҳбарлигида мамлакат тиббий амалиётида кенг қўлланилувчи вирусларга қарши, шамоллашга қарши ва қон тўхтатувчи дори воситалари яратилган.

Илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси учун “Эл-юрт ҳурмати”, “Меҳнат шуҳрати” орденлари, Хитой Фанлар академиясининг “Халқаро илмий ҳамкорлик учун” мукофоти билан тақдирланган.

Академик ҳозирда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги “Шаҳриобод” маҳалласида истиқомат қилади. Маҳалла ҳаётида фаол иштирок этади. Ёшлар таълим-тарбияси, камолоти йўлида доимо ўз тажрибаси билан кўмаклашади. Унинг кўплаб шогирдлари фан доктори, профессор, фан номзоди мақомига эришган. Шу ўринда укамнинг бундай улкан ютуқларга эришишида умр йўлдоши Насибахоннинг хизматлари катта бўлганини айтиб ўтиш ўринлидир. Бу аёл керак бўлганда қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб, илм зиёсини таратишда илҳомлантириб турган, десак хато бўлмайди.

Олим киши ҳар ерда азиз ва ҳурматлидир. Илм эгаллаш уйқусиз тунларни, туну кун изланишни, матонатли меҳнатни, метин иродани, юксак қобилиятни талаб қилади. Ш.Солиҳов ҳам илм нури билан ҳаёт йўлини ёритди. “Илм мартабаси мартабаларнинг улуғи”, эканига ўз ҳаёти мисолида амин бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, у кишини муборак 80 ёши билан қутлаймиз. Ғоят шарафли ва масъулиятли вазифаларни адо этишда куч-ғайрат, мустаҳкам саломатлик, оилавий бахт, янги ютуқ ва омадлар тилаймиз.



Таиландда ўтказилаётган ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИда тўрт нафар боксчимиз ярим финалга чиқди.



АҚШда ўтказиладиган шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича жаҳон чемпионатида 6 НАФАР СПОРТЧИМИЗ қатнашади.



Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигасига ўтиш ўйинида “Қўқон-1912” ва “Шўртан” клублари ғолиб бўлиб, СУПЕРЛИГАГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ.

ЯНГИЛИК

ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАРГА КОМИССИЯ КЎМАКЛАШАДИ

“Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди.



Унга кўра, қуйидагилар тасдиқланди:

— болалар масалалари бўйича миллий комиссиянинг янгиланган таркиби;

— болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) комиссияларининг намунавий таркиблари.

Болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалда рўёбга чиқариш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ҳамда ахлоқий жиҳатдан камол топишига, қобилияти ва истеъдодини тўлиқ намоён этишига кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш уларнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, унинг жойлардаги бошқармалари ҳамда туман *(шаҳар)* “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари тегишлича Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ва ҳудудий комиссияларнинг ишчи органи вазифасини бажаради.

ҚИЁФА



Одамлар раисга ишонадими, демак, унга эргашади ҳам...

Маҳалланинг гуллаб-яшнаши, равнақ топиши кўп жиҳатдан “еттилик”нинг ташаббускорлиги, интилиши ва ҳаракатларига боғлиқ. Буни тажрибада кўриб гувоҳи бўляпмиз. Қайси ҳудудда одамлар ўз раисини таниса, унга ишонч билдириб, дардларини бемалол айта олса, ўша ерда муаммолар тез ва осон ҳал бўляпти.

Сардорбек ЎРИНБОЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Жалақудуқ тумани бўлими бошлиғи.

Туманимизда шундай мақтовга арзигулик маҳаллалар анчагина. Хусусан, “Тошлоқ” маҳалласи мисолида фикримизни давом эттирадиган бўлсак, бу гўшада қисқа вақт ичида катта ўзгаришлар рўй берди. Кўчаларга асфальт ётқизилиб, чироқлар ўрнатилди. Йўл бўйларига экилган мевали ва манзарали дарахтлар бўй чўзиб қолган. Одамларнинг кайфияти ва қарашлари аввалгидан бутунлай фарқ қилади. Ҳамма фаровон турмуш кечириш учун чин дилдан ҳалол меҳнат қиляпти. Муҳаббат Алимжонова бошчилигидаги маҳалла мутасаддиларини идорадан топиш қийин. Қачон қарасангиз, халқ ичида қандайдир тадбир ташкил этган, хонадонларни айланиб юрган бўлади. Олиб борилаётган тизимли ишлар самараси ўлароқ, ҳудудда кундан-кунга тадбиркор ва ишбилармон кишилар сафи кенгайиб бораётир.

Турсуной Турғунова тадбиркорлик фаолиятини бошлаганига ўттиз йилдан ошди. Хонадонида 4-5 нафар аёл билан бирга дастурхон, парда, кўрпа ва кўрпача тикишади. Шу кунга қадар 40 нафардан зиёд шогирдга ҳунар ўргатиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун ўз ҳиссасини қўшди. Бундан ташқари, уйда ўтирган бир нечта аёлни касаначилик асосида бандлигини таъминлаб келмоқда.

Қизи Ойгул Сулаймонова онаси бошлаган ишни муносиб тарзда давом эттирмоқда. Бир неча йил хорижий давлатда ишлаб келди. Эндиликда маҳалла марказидан икки қаватли бино қуриб, ўша ерда трикотаж маҳсулотларини тикишни бошлаб юборган. Ҳоким ёрдамчиси ёш тадбиркорга ёрдам бериш мақсадида субсидия асосида 2 та тикув машинаси олиб беришга киришган. Шу орқали янада кўпроқ ишчи ўрни яратилган бўлади.

“Тошлоқ” маҳалласи лимон етиштиришда ҳам анча илғор. Баҳромжон Акбаровнинг 2 сотихли иссиқхонасига экилган 15 йиллик лимон кўчатлари ғарқ ҳосилга кирган. Боғбон айни кунларда йиғим-терим мавсумини бошлаб юборган. Фуқаро томорқасида қўшимча тарзда яна бир иссиқхона барпо этишни ният қилган. Унга маҳалла барча керакли хизмат ва ёрдамларни кўрсатмоқда.

Абдуллабий номидаги маҳалланинг ривожланиш нуқтаси — деҳқончилик. Ҳудуддаги 662 та хонадоннинг 207 таси 3 йиллик имтиёзли давр билан ижара ҳуқуқи асосида берилган 10-15 сотихли ерларда картошка, пиёз ҳамда саримсоқ пиёз етиштириб келмоқда. Аҳолининг қолган вакиллари кичик бўлишига қарамай, томорқасининг ҳар қаричидан унумли фойдаланади.

Тўланбой Раимов бундан ўн йилча муқаддам тадбиркорлик қилишни бошлаган. Секин-аста сабр-бардош билан босилган қадамлар бугун уни қувонарли натижалар сари олиб келди. Айни вақтда ташкил этилган иккита тикувчилик корхонасида 200 нафардан кўпроқ киши меҳнат қиляпти. Тайёр маҳсулотлар юртимиз ва қўшни Қирғизистонга экспорт қилинмоқда.

Маҳаллаларда ижтимоий кўмакка муҳтож, имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода ҳудудимизда истиқомат қиладиган 2-гуруҳ ногирони Равшан Жалоловга қўни-қўшнилар ва ҳомийлар ҳашар йўли билан икки хонали уй қуриб беришди.

Гарчи қиш кириб келган бўлишига қарамай, маҳаллаларда иш жуда қизғин. Деҳқонлар иссиқхонасига навбатдаги экинларни қадаяпти. Боғбонлар одамларга нафи тегсин, дея дарахт ўтқазмоқда. Айниқса, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида олиб борилаётган амалий тадбирлар авж паллада. Халқ ишида, юрт ишида бир он бўлсин тўхтаб қолишга ўрин йўқ. Доимий ҳаракат ва изланиш бўлган жойда ўсиш ва ривожланиш кузатилади.

МАЪНАВИЯТ

МАҲАЛЛАЛАРДА “ТЕАТР КУНИ” ЎТКАЗИЛАДИ

“Театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.



Унга кўра, аҳоли, айниқса, ёшларнинг театрларга доимий ташрифларини назарда тутувчи **“Театр — ибратхонадир”** дастури амалга оширилади.

Бу жараёнда “маҳалла етти-лиги” аъзолари билан биргаликда ҳар ойда маҳаллаларда **“Театр куни”** тадбирлари ўтказиш йўлга қўйилади.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар ва ногиронлиги бўлган шахслар давлат театрларининг спектаклларига бепул киритилади.



Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрига **“Академик”** мақоми берилади.

2026 йил якунигача Ўзбекистон давлат ёшлар театри фаолияти замонавий намунали театр сифатида ташкил этилади.

МУЛОҲАЗА

“Инсонлар ҳаётига қувонч, хонадонига барака кирса дейман...”

Якинда турмуш қурганига 40 йилча бўлган эр-хотининг ажрашмоқчи экани ҳақида эшитиб қолдим. Аёл йиллар давомида 2 нафар фарзанди билан бирга хорижда ишлаб пул топади. Бу вақт оралиғида эрига уй-жойини яхшилаш, автоулов харид қилиши учун маблағ юборади. Орадан вақт ўтиб, энди бир оила бўлиб яшаймиз, деганида эркак ажрашмоқчи эканини айтади.

Барно МАҲМУДОВА, Янгийўл туманидаги “Қовунчи” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Эр хотинининг ёши кекса онасига хизмат кўрсатмагани важидан 3 нафар фарзандининг тақдири ҳақида ҳам ўйламайди. Ёши 60 дан ошган қуда-андали, набирали бўлган бу кишиларни муросага келтириш учун маҳалла мутасаддилари, нуронийлар жалб қилинди. Атрофлича тушунтиришлар берилди. Лекин маълум бўлишича, эркакнинг бошқа шаръий никоҳ асосида қурилган оиласи бор экан. Ҳозир суд оиланинг ажралиш масаласини кўриб чиқмоқда. Уларга яна бир марта ўйлаб кўриш учун муддат берилган.

Баъзан қанча ҳаракат қилмайлик, шундай имконсиз ҳолатларга дуч келиб қоламиз. Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш бир уриниш билан ҳал бўладиган масала эмас. Бунинг учун йиллар давомида тизимли тадбирларни олиб боришга тўғри келади. Эр-хотиннинг рўзғор ташвиши билан бир-бирида айро яшаши, пул топиш илинжида чет элга кетиши ўртадаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатаётгани рост гап. Қолаверса, бугун тез-тез дуч келаётганимиз — аёлларнинг салгина келишмовчилик сабаб ҳимоя ордери олиш учун мурожаат қилаётгани вазиятни янада жиддий тус олдиряпти. Ўртада пайдо бўлган тушунмовчилик кейинчалик уларнинг бахтли яшаб кетишига тўсиқ бўлиши аниқ. Шу масала янада мукаммалроқ тарзда ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Айтайлик, ҳимоя ордерини ҳақиқатдан тазйиқ ва зўравонликка учраган аёлларга бериш керак. Бир-икки оғиз гап талашиб, қилган айби учун танбеҳ эшитганлар ҳам профилактика инспекторига шикоят қилишни одат тусига айлантириб олишган.

Бундан ташқари, ёш келинлар ва уларнинг оналари билан кўпроқ ишлашга тўғри келяпти. Бўлиб ўтган ҳолатларни телефонда муҳокама қилиб, фарзандига билиб-билмай нотўғри йўл кўрсатиб қўяётганлар эртага унинг оиласи бузилиб кетиши мумкинлигини ҳисобга олмаяпти.

Кўриб турганингиздек, биргина оила мустаҳкамлигини таъминлаш борасида қанча мулоҳаза юритиш мумкин. Бу мавзудаги фикрларни яна узоқ давом эттирса бўлади. Зеро, маҳалла ҳаётида ҳеч бир мавзуни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Аёлларни ишли қилиш, ўзи ёқтирган соҳада фаолият юритиши учун шароит яратиб бериш ҳам айни кунларда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Маҳалламиздаги хотин-қизларнинг 60 фоиздан кўпроғи тикувчилик билан банд. Уйида ўтириб, бирга-бир ишлаш ва уларнинг ёнларига ўз ҳунарининг сир-асрорларини ўргатишни ният қиляпти. Бу хайрли мақсадларни амалга оширишида маҳалла тадбиркорга ҳамиша кўмакчи бўлади.

Камола Эргашбоева 3 йилдан бери томорқасидаги 4 сотихли иссиқхонада турли-туман гул кўчатлари етиштириш билан шуғулланиб келмоқда. Қачон хонадонига кирсангиз, барқ уриб очилиб турган гўзалликларга қараб кўзингиз қувнайди. Турмуш ўртоғи ҳар доим ёнида қўллаб-қувватлаб иш кўламини янада кенгайтиришни режалаштирган. Қолаверса, ёшларга ўз ҳунарининг сир-асрорларини ўргатишни ният қиляпти. Бу хайрли мақсадларни амалга оширишида маҳалла тадбиркорга ҳамиша кўмакчи бўлади.



Камола Эргашбоева 3 йилдан бери томорқасидаги 4 сотихли иссиқхонада турли-туман гул кўчатлари етиштириш билан шуғулланиб келмоқда. Қачон хонадонига кирсангиз, барқ уриб очилиб турган гўзалликларга қараб кўзингиз қувнайди. Турмуш ўртоғи ҳар доим ёнида қўллаб-қувватлаб иш кўламини янада кенгайтиришни режалаштирган. Қолаверса, ёшларга ўз ҳунарининг сир-асрорларини ўргатишни ният қиляпти. Бу хайрли мақсадларни амалга оширишида маҳалла тадбиркорга ҳамиша кўмакчи бўлади.

Камола Эргашбоева 3 йилдан бери томорқасидаги 4 сотихли иссиқхонада турли-туман гул кўчатлари етиштириш билан шуғулланиб келмоқда. 2025 йилдан ёнига шогирдлар олишни ўйлаяпти.

Маҳалламиздаги 10 нафардан кўпроқ хотин-қиз иссиқхона ташкил этган бўлиб, булғор қалампири, редиска ҳамда кўкатлар етиштиришни йўлга қўйган. Бу соҳада яхшигина даромад топиш мумкинлигини инобатга олиб, аёлларни лимон, помидор ва бодринг етиштиришга тарғиб қиляпмиз. Эришилган ҳар бир ижобий натижа қанчадан-қанча аҳоли вакилининг иш билан таъминланишига замин яратади.

22 йил давомида мактаб ва коллежда ўқувчиларга дарс берган бўлсам, айни вақтда уларнинг ота-оналари билан ишлаяпман. Одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш, уларнинг муаммоларига ечим топишда ёрдамлашиш менга жуда ёқади. Бу соҳада яна узоқ вақт фаолият олиб боришни истайман. Зиммамга юклатилган бу масъулиятли вазифани адо этиш баробарида кимнингдир ҳаётига қувонч, кимнингдир уйига барака киришига ҳиссам қўшилаётганидан бахтлиман.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 500 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1220

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.